



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 2 март, № 42 (3841)

Пайшанба



Ўлкамизга яшариш, яшнаш,
бунёдкорлик фасли — баҳор кириб
келди. Далаю адирларда ерлар
кўпчиб, деҳқонни бағрига чорлаётир.
Қалбида яратувчанлик ишқи жўш
урган боғбону соҳибкор, чорвадор
миришкор кўламги юмушларга шай
бўлиб турибди.



2 март — Ўзбекистон
БМТга аъзо бўлган кун

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бундан 14 йил бурун Бирлашган Миллатлар
Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи олдида
мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпирай бошлади.
Мамлакатимиз 1992 йил 2 мартда ушбу нуфузли
халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

1993 йил 24 август кuni
Тошкент шаҳрида БМТ ва-
колатхонаси очилди. Бугун-
ги кунда юртимизда унинг
қатор таркибий тузилмала-
ри — Тараққиёт дастури,
Гиёҳвандликка қарши ку-
раш дастури, Жаҳон со-
ғлиқни сақлаш ташкилоти,
Болалар жамғармаси
(ЮНИСЕФ), Саноатни ри-
вожлантириш ташкилоти
(ЮНИДО), Таълим, фан ва
маданият масалалари билан
шуғулланувчи ташкилот
(ЮНЕСКО) ваколатхонаси
фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон БМТ ва
унинг ихтисослашган идо-
ралари билан турли йўна-
лишларда самарали ҳам-
корлик қилиб келмоқда.
Бунда давлатимиз раҳбари
Ислом Каримовнинг халқа-
ро интеграциялашувни ку-
чайтириш ва барқарорлик-
ни мустаҳкамлашга, давлат-
лараро ҳамкорликни ри-
вожлантиришга қаратилган
ҳамда тинчликпарварликка
асосланган изчил сиёсати
муҳим ўрин тутмоқда.

БМТ Бош ассамблеяси-
нинг 2000 йил сентябрь
ойида ўтган "Мингйиллик
саммити"да давлатимиз
раҳбари халқаро террорчи-
лик ва гиёҳванд моддалар-
нинг ноқонуний савдосига
қарши курашга, минтақавий
хавфсизликни мустаҳкам-
лашга, БМТ фаолияти ва
унинг таркибий тизимини
ислоҳ қилишга доир кўплаб
муҳим тақлифларни бил-
дириди. Саммитда Прези-
дент Ислом Каримов хал-
қаро жамоатчилик эътибори
яна бир бор Орол ин-
кирозига қарати. Таъкид-
ламоқ жоизки, Оролдаги
вазят нафақат Марказий
Осиё минтақаси, балки бу-
тун дунё мамлакатларининг
экологик муаммосидир.

Европада хавфсизлик ва
ҳамкорлик ташкилотининг
1999 йилги Истамбул сам-
митида Президент Ислом
Каримов БМТ ҳузурида тер-
роризмга қарши кураш
бўйича халқаро марказ таш-
кил этиш гоёсини илгари
сурган эди. 2001 йил 28
сентябрда БМТ Хавфсизлик
даирасида доирасида тер-
роризмга қарши кураш
қўшимча қилишга қўйди.

Кўргазманинг яна бир
муҳим жиҳати — иштирок-
чилар бир вақтнинг ўзида
стратегик режаларни му-
хокама қилишлари, шарт-
нома имзолашлари, шу-
нингдек, ишлаб чиқарув-
чи, етказиб берувчи ва ха-
ридор ўртасидаги муноса-
батларга оидинлик қири-
тишлари мумкин.

Сандолм ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири,
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

билан ҳамкорликда "Марка-
зий Осиёда хавфсизлик ва
барқарорликни мустаҳкам-
лаш: гиёҳванд моддалар,
уошган жиноятчилик ва тер-
роризмга қарши курашда
умумий ёндашув" мавзусида
халқаро конференция ўтқа-
зилди.

Оммавий қирғин қурол-
лари тарқатилишининг ол-
дини олиш — Ўзбекистон
билан БМТ ўртасидаги ҳам-
корликдаги устувор вазифа-
лардан ҳисобланади. Мар-
казий Осиёни ядро қуроли-
дан холи ҳудудга айланти-
риш тақлифи биринчи бор
мамлакатимиз раҳбари
Ислом Каримов томонидан
ташкилот Бош ассамблеяси-
нинг 1993 йилда ўтган 48-
сессиясида илгари сурилган
эди. 1997 йил 15-17 сен-
тябрь кунлари Тошкентда
ўтган "Марказий Осиё -
ядро қуролидан холи ҳудуд"
халқаро анжумани бу бора-
да тегишли ҳужжат ишлаб
чиқиш ва уни ҳуқуқий жи-
ҳатдан расмийлаштиришга
йўл очди.

2005 йил февралда пой-
тахтимизда Марказий Осиё-
ни ядро қуролидан холи
ҳудудга айлантириш тўғри-
сидаги шартнома лойиҳаси-
ни ишлаб чиқиш бўйича
минтақавий экспертлар гу-
руҳининг йиғилиши бўлиб
ўтди. Унда шартнома лойи-
ҳасининг матни тасдиқлан-
ди. Иштирокчи томонлар
Марказий Осиёни ядро
қуролидан холи ҳудудга ай-
лантириш бўйича Тошкент
баёнотини қабул қилди.

Марказий Осиёни ядро
қуролидан холи ҳудудга ай-
лантириш тўғрисидаги шарт-
нома Ўзбекистон раҳбари
Ислом Каримов гоёсининг
амалий натижасидир. У ми-
нтақамизда тинчликни мус-
таҳкамлаш ва оммавий қир-
ғин қуроллари тарқалиши-
нинг олдини олишдаги, пи-
рорвардда, дунёда ялли яд-
ровий хавфсизликни таъ-
минлаш йўлидаги гоёт му-
ҳим қадамдир.

Ўзбекистон БМТнинг
фаол аъзоларидан. Зеро,
мамлакатимиз бутун дунёда
тинчликни қарор топтириш
юзасидан амалга ошири-
лган кўплаб хайрли иш-
ларнинг ташаббускоридир.
Ташкилот Бош қотиби Кофи
Аннан 2002 йил октябрда
юртимизга ташрифи чоғида
Ўзбекистоннинг жаҳонда
хавфсизлик ва барқарорлик-
ни таъминлаш борасидаги
саъй-ҳаракатларини юқори
баҳолади. Бу мамлакатим-
зининг халқаро майдонда-
ги нуфузи торабора ўсиб бо-
раётганининг аниқ бир та-
сдиғидир.

Ноҳирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҲУТ КИРДИ — ҚУТ КИРДИ

Андижон вилояти, Улунор туманидаги "Оқолтин" муқобил машина-
трактор парк жамоаси ҳам мавжуд техника воситаларини сифатли таъмир-
дан чиқариб, жумладан, 11 та сеякани мавсумга ҳозирлаб қўйишди.
Мазкур жамоада меҳнат қилаётган Исмоил Азизов (суратда) қарийб 30

йилдирки, механизаторлик касбини улуглаб келмоқда. У баҳорги мавсумда
250 гектар майдонга чигит қадашни ўз олдига мақсад қилган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Тошкент давлат аграр
университетида академик
Яхё Фуломов номидаги
"Ўзбек халқи ва унинг дав-
латчилиги тарихи" республи-
ка илмий семинарининг
37-йиғилиши бўлиб ўтди.
Ўзбекистон Фанлар акаде-
мияси Тарих институти та-
шаббуси билан Олий ва
ўрта махсус таълим ҳамда
Қишлоқ ва сув ҳўжалиги
вазирликлари ҳамкорлиги-
да ташкил этилган бу гаги
анжуман мамлакатимиз
худудда деҳқончилик ма-
даниятининг тарихий ил-
дишлари ва замонавий жа-
раёнлари бағишланди.

Анжуманда Тошкент
давлат аграр университе-
ти ректори Х.Қимсанбоев,
Ўзбекистон Фанлар акаде-
мияси вице-президенти
Т.Мирзаев, тарих институ-
ти директори Д.Алимова
қадим деҳқончилик ҳўжа-
лигининг шаклланиши
қадим деҳқончилик ҳўжа-
лигининг шаклланиши
ўтказишдан тараққиёт
билан чамбарчас боғ-
лиқ эканлигини таъкидла-
ди.

Жаҳон цивилизацияси-
нинг қадимий марказлари-
дан бири бўлган мамла-
катимиз худудда эрамизга
бўлган давр ва ундан
кейинги асрларда барпо
этилган мураккаб сув ин-
шоотлари, хозирги кунда
ҳам ўз фазо муҳаббатини
йўқотмаган кўплаб осори-
атикалар қадим-қадимдан
юртимизда ҳўнармандчи-
лик, мемуричилик, шаҳар-
созлик ва бошқа соҳалар
сингари деҳқончилик ма-
данияти ҳам юқори дара-
жада ривожланганидан да-
лолат беради.

Мамлакатимизда дав-
латимиз раҳбари Ислом
Каримов раҳнамолигида
асрлар оша яшаб келаят-
ган бундай бебаҳо қадри-
ятларимизни асраб-авай-
лаш, деҳқончилик мадания-
ти шаклланиши тарихи-
ни ўрганиш борасида кенг
кўламли ишлар амалга
ошириляптир.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА муҳбири.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб
қатор тадбирлар ўтказмоқда. Улардан бири
М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят
муסיқали драма театрида бўлиб ўтди. Унда
Қарши шаҳар, Китоб, Қамаш, Яккабоғ туманла-
ридаги муруват уйлари, Чироқчи, Шаҳрисабз
туманларидаги махсус мактаб-интернат
тарбияланувчилари иштирок этди.

БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

"Болаларнинг
бегонаси бўлмайди"
деб номланган
мазкур тадбирда
Тошкент ахборот
технологиялари
университетининг
Қарши филиали,
Қарши Давлат уни-
верситети, Қарши
муҳандислик-иктисо-
дий институтини
талаба-қизлари
қийимки матолардан
тиккан беш мингдан
ортиқ уйинчोक
болаларга совға
қилди.

Ўзбекистон Хотин-
қизлар қўмитасидан
маълум қилишларича,
бундай тадбирларни
ўтказишдан кўзланган
мақсад талаба-
қизларни мустақил
ҳаётга тайёрлаш

билан бирга тежам-
корликни ўргатиш,
муҳими, уларда
ҳомийлик туйғусини
шакллантиришдан
иборат. "Болалар-
нинг бегонаси
бўлмайди" деб
номланган бундай
тадбирларни бошқа
вилоятларда ҳам
ўтказиш режалашти-
рилган.

Шу кунгача Сир-
дарё, Навоий ва
Наманган вилоятла-
рида бўлиб ўтган ана
шундай хайрли
тадбирларда ҳам
талаба-қизлар ўзлари
тайёрлаган минглаб
қўғирчоқчи меҳрибон-
лик уйлари болалари-
га ҳада қилди.

(ЎзА).

Ўзбекистон «UzBuild — 2006» халқаро кўргазмаси



4 мартга қадар давом
этадиган ушбу тадбир ITE
Uzbekistan ва ITE Group
Ptc (Буюк Британия)
кўргазма компаниялари
томонидан ташкиллашти-
рилган бўлиб, Архитекту-
ра ва қурилиш давлат
қўмитаси, Тошкент шаҳар
ҳокимлиги, "Ўзқурилиш-
материаллари" АК ва рес-
публика Савдо-саноат
палатаси унинг расмий
ҳомийларидир. Унда жа-
зини Россия компанияла-
ри ташкил қилмоқда. Бу
бежиз эмас. Чунки икки
давлат ўртасида ўрна-
тилган кенг қамровли
ҳамкорлик бугунга келиб
ўзининг амалий натижа-
сини берапти.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да
"Қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентили-
ция — UzBuild 2006" Ўзбекистон халқаро
кўргазмаси иш бошлади.

бу ерда намойиш қилина-
ётган сўнгги андозадаги
қурилиш ва пардозлаш
материаллари, иситиш,
ҳаво алмаштириш ва со-
вутчи мосламалари, за-
монавий қурилиш техни-
каси ҳамда ускуналари,
сантехника жиҳозлари,
қўйинги, қурилишда иш-
латиладиган неки зарур
бўлса, барчаси муҳайёр.

— Кўргазмада Герма-
ния, Туркия, Хитой,
Польша, Финляндия каби
давлатларнинг номдор
компаниялари иштирок
этимоқда, — деди ушбу
тадбирга, бағишлаб ўтқа-
зилган матбуот анжумани-
да "Ўзқурилишматериал-
лари" акциядорлик ком-
панияси бошқаруви раи-
си Э.Акрамов. — Шу би-
лан бирга, кўргазма иш-
тирокчиларининг 30 фои-
зини Россия компанияла-
ри ташкил қилмоқда. Бу
бежиз эмас. Чунки икки
давлат ўртасида ўрна-
тилган кенг қамровли
ҳамкорлик бугунга келиб
ўзининг амалий натижа-
сини берапти.

Масаланинг эътиборли
жиҳати шундаки, хорижий
компаниялар мутасаддилари
ўзлари келтирган маҳ-
сулотларни намойиш
қилиш билан бирга, юр-
тимизда ишлаб чиқарил-
ган маҳсулотларга ҳам
қиизиқиш билдирмоқда-
лар. Хусусан, "Барака
Ютуқ" масъулияти чеклан-
ган жамяти томонидан
ишлаб чиқарилган қуёш
нури ёрдамида ишлайди-
ган сув иситиш мослама-
си иштирокчиларининг
эмас, мутахассисларни
ҳам қизиқтириб қўйди.

Кўргазманинг яна бир
муҳим жиҳати — иштирок-
чилар бир вақтнинг ўзида
стратегик режаларни му-
хокама қилишлари, шарт-
нома имзолашлари, шу-
нингдек, ишлаб чиқарув-
чи, етказиб берувчи ва ха-
ридор ўртасидаги муноса-
батларга оидинлик қири-
тишлари мумкин.

Сандолм ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" муҳбири,
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Осиёда ягона валюта

Осиё тараққиёт банки ягона пул бирлиги-
ни муомалага киритиш ҳақида қарор қабул
қилди. АСУ номли ушбу валюта қитъамиз-
даги 13 мамлакат ўртасида ҳаракатда бўла-
ди. Япон матбуотида ёзилишича, у жорий
йилда расман алоқа киритилиб, Осиё дав-
латлари валюталарининг доллар, евро ва эр-
кин муомаладаги бошқа валюталарга нисба-
тан курсини белгиловчи восита сифатида
хизмат қилади. Бунда Хитой, Жанубий Ко-
рея, Япония ҳамда Жануби-шарқий Осиё
давлатлари уюшмаси (АСЕАН) таркибидagi
10 мамлакат пул бирикларининг ўртача
қиймати ҳисобга олинади.

ОТБ иқтисодий масалалар бўлими раҳба-
ри Масахиро Каванининг "Иомиури" газета-
сига берган интервьюсида айтилишича,
"Агар 20 йилдан сўнг АСУ қитъанинг ягона

Тахририят Пентагонни судга берди

Reuters ахборот агентлиги хабарига ай-
тилишича, The New York Times газетаси АКШ
Мудофаа вазирлигини судга берди. Маз-
лумки, вазирликнинг Миллий хавфсизлик
агентлиги 2001
йилдан бошлаб
фўкарларнинг те-
лефон сўзлашу-
ларини эшитиш
билан шуғуллан-
ган. Газета тахри-
рияти шу иш
бўйича материал-
ларни беришни



валютасига айланса, бунга
хайратланмаслик керак. Би-
роқ, аввал, бу ҳудудда иш
кучи, товарлар ва хизмат-
ларнинг эркин ҳаракатлини учун ягона
иқтисодий макон яратиш лозим".

Парранда группи туфайли

Грузия парламенти президент М.Саакаш-
вилининг Ажариянинг Хелвачаурск райони-
да фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳақидаги
фармони тасдиқлади. Бир неча кун аввал
бу ерда кўплаб бввойи қушларнинг H5N1
вируси билан нобуд бўлгани аниқланган.
Парламентдаги мухолифатчилар бу қарорга
кўпроқ сиёсий тус бериляётганини таъкид-
лаб, унга қарши чиқишган. "Фавқулодда
ҳолат эълон қилиш ўрнига, фавқулодда чо-
ралар қўриш лозим", дейишмоқда улар.
Фармонга мувофиқ, бу ҳудуддаги барча
қушлар, хусусан, хонаки паррандалар қириб
ташлиниб, гўштни қайта ишловчи корхона-
лар алоҳида тартибда ишлаб бошлайди. Бу-
дан ташқари, мазкур вилоят ҳудудида қириб-
чиқишда ҳам чекловлар жорий этилади.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

"Халқ сўзи" назоратида

Амалий чора кўрилади

Газетамизнинг 2005 йил 15 ноябрь
сонида "Лойиҳа қоғозда қолмасин"
сарлавҳали танқидий мақола чоп этил-
ганди. Унда Қўйишчиқ тумани,
"Дўстлик" ширкат ҳўжалигининг Ку-
шек қишлоғида газ таъминоти яхши
эмаслиги, бундан аҳоли азият чека-
ётгани баён қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан Тошкент вилояти ҳоки-
мининг биринчи ўринбосари Э. НИЯЗОВ илмозси
билан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича,
мазкур масала "Тошкентвилоятга" ҳудудий газ таъми-
ноти корхонаси, "Ягона буюртмачи хизмат" инжини-
ринг компанияси томонидан атрафлича ўрганиб чиқил-
ган. Қишлоқни тулик газлаштириш учун 3,4 км. ўрта
босимли газ тармоғи тортилиши зарур бўлиб, шу кунга-
ча 1,0 км. ҳудудда табиий газ қувурлари тортилган. Қол-
ган қисмини газлаштириш "Тошкентвилоятга" ҳудудий
газ таъминоти корхонасининг бу йилги манзилли дасту-
рига киритилган.

«Ташаббус-2006»

ФИРМА — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

«Мунис-Умиди» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти саврини учун ўтказилган «Ташаббус-2006» кўрик-танловнинг Навбахор тумани босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчиликни қўлга киритди. Шу фирманинг раҳбари Неймат Ражабов ўтган йили «Пахта-банк»нинг туман бўлими кўмагида Германияда ишлаб чиқарилган «Резограф» технологиясини 22,5 миллион сўмга харид қилиб, корхона қошида кичик босмахона ташкил этган. Соатиға 125 минг дона турли шаклдаги босма маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ана шу босмахона тумандоғи тадбиркорлар, фермерлар, корхоналар, ташиқлотлар ва аҳоли учун қўл келди. Энди улар вилот марказига турли ҳужжат қоғозларини излаб бормайдиган бўлди. Қолаверса, бу кичик босмахонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати хорижийдан қолишмайди. Айни пайтда фирма жамоаси «Ташаббус-2006» кўрик-танловининг вилот босқичига қизгин тайёргарлик кўряпти.

Ёркул УМАР,
ЎЗА МУХБИРИ.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш яна бир ўта муҳим масалани — коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорларини шакллантириш масаласини ҳал этишни талаб қилмоқда. Токи, бозорда рақобат юзага келмас экан, ҳар бир ширкат бир неча пудратчи орасидан энг мақбулнинг танилаш, у билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузиш имкониятига эга бўлмас экан, бу соҳадаги мавжуд аҳволни ўнглаш қийин.

Ислом КАРИМОВ.

КОММУНАЛ ХИЗМАТДА РАҚОБАТ

Фарғона — водийда нисбатан кенжа, жохон — мейморчилигининг энг яхши ютуқлари асосида ва замонавий қурилган шаҳарлардан бири. Унинг тўрт тарафини асосан аҳоли истиқомат қиладиган маззелар ўраб олган. Бу турар жойларни иссиқлик, электр энергияси, газ ва сув билан таъминловчи муассасаларнинг аксарияти эса шаҳар марказида жойлашган. Демак, улар томонидан камидан ўн-ўн беш километр масофага турли хил коммунал хўжалик манбалари етказиб берилиши лозим. Айни шу ҳол аҳоли ашайдиган кўп қаватли уйларда коммунал хизматни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, таъмирлаш ишларини бажаришда бирмунча нўқулликлар туғдиришмоқда. Гап шундаки, иссиқ сув ва иссиқлик узатиш билан учта корхона шуғулланади. Бу корхоналарнинг деярли ҳаммаси очик турдаги акциядорлик жамиятлари бўлганини, яъни мулк шакли аввалгидек сақланиб қолганини учун ҳам, хизмат кўрсатиш даражаси эскилигича, алмисқондан қолган усулда давом этапти. Масалан, Фарғона вилоти «Энергомарказ» очик турдаги акциядорлик жамияти 385 та кўп қаватли уй, юздан зиёд хўжалик ҳисобидидаги ташкилотлар, бюджет объектларини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Унинг қарамағдун 11,4 километрлик магистраль иссиқлик тармоғи, 67 километрлик ички иссиқлик тармоқлари мавжуд. Шунча йўналишга эса ўта қозонхона хизмат қилади, холос. 2005-2006 йиллар куз-киш

мавсумига тайёргарлик жараёнида 2 та қозон мукамал, 8 та қозон жорий тайёрланди. Иссиқлик беҳудадан сарф бўлишининг олдин олиш мақсадида 2700 метр узунликдаги қувурлар химоя воситалари билан ўралиб, салкам 4 минг метрлик қувурлар алмаштирилди. Бир қарашда, тизимда гуё ҳамма ишлар жойида. Агар мижозлар билан мулоқотда бўлсангиз, бу йил ҳам кўп қаватли турар жойларда иссиқлик етарли даражада бўлмаганини, иссиқ сув эса фақат бармоқ билан санарли хонадонларга етиб борганини ҳақиқатга айлантиришди. Шу боис кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчиларнинг аксарияти «Энергомарказ» хизматидан воз кечиш ҳақида ариза бердилар. Айниқса, қозонхоналардан узоқда жойлашган турар жойлардаги аҳвол жуда ачинарли. Бу жойларга на иссиқлик, на иссиқ сув етиб боради. Шуларни ҳисобга олиб, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун акциядорлик жамияти томонидан айрим кичик маззеларга махсус қозонлар ўрнатилиб, уй-жойларни иситиш таърибаси қўлланилапти. Хусусан, Охунбобоев кўчасидаги 6-кўп қаватли уйда бир неча йилдан бери иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти деярли узилиб қолган эди. Шу уй яқинидаги гаражлардан бири корхона томонидан ижарага олинди, кичик қозон ўрнатилди. Натижанда 36 хонадон иссиқлик ва иссиқ сув тизимига уланди. Муҳими, ана шу кичик қозонлар нафақат газ, балки кўмир ва ўтин ёрдамида ҳам иситилиши мумкин.

Уларнинг яна бир афзаллиги шуки, иссиқ сув ва иссиқликнинг нархи марказий манбадан узатилаётганига нисбатан деярли икки баравар арзон. Чўнки марказий манбадан бу уйгача бўлган масофага узатилаётган иссиқлик ва иссиқ сувнинг салкам ярми илгари исроф бўлар, бу эса ўз-ўзидан истеъмолчи ҳисобига харажат қилинарди. Шундай қилиб, корхонанинг ичиди марказий манбага нисбатан қўлбола усулда рақобат қозони пайдо бўлди. Энди бу таърибда шаҳар халқ таълими тасарруфидида 22-болалар боғчасида ҳам жорий этилмоқда. Шу мақсадда бу ерда муқобил кичик қозонни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарни иссиқлик ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш харақатида «Фарғонашаҳаргаз» шўба корхонаси ҳам қўшилди. Сабаби — иссиқлик ҳақида гап кетса, бу муаммо кўтарилса, «Энергомарказ», «Иссиқлик манба» ва «Шарқ тонги» корхоналарида биринчи навбатда табиий газ етказиб беришда узилдилар бўлаётганлиги рўқча қилинади. Бошқача айтганда, ана шу иссиқлик етказиб бериувчилар ўзларининг укувсизлиги, ҳамон алмисқондан қолган усулларга ёпишиб олганиниги шу баҳона билан хаспўшлашга уринишарди. Бундай ноўрин эътирозларга барҳам бериш мақсадида газ таъминоти корхонаси Навойи кўчасидаги 62-уйда ўз ҳисобидан Чехияда ишлаб чиқарилган «Термона» сув иситиш қозонини ўрнатиб, мавжуд хонадонларни марказий иссиқлик манбаи тасарруфидан чиқарди.

Нега деганда, янги ва замонавий қозон бир кеча-кундузда 1300 сўмлик, яъни 100 кубометр табиий газ сарфлаган ҳолда, 30 дан зиёд хонадонни иссиқлик ва иссиқ сув билан мунтазам таъминляпти. У кўп қаватли уй биқинидаги 3x4 квадрат ҳажмидаги мўъжаз бинога ўрнатилган

ча тўловларни ўз вақтида тўлаётганликлари шундан далолат беради. Натижанда шаҳарда аҳолининг табиий газдан бўлган дебиторлик қарзлари 145 миллион сўмга камайди. — Биз аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида, — дея сўзини давом эттирди Шавкат Эминов, — маҳаллалар-

бу асосан мижозлар манфаатига хизмат қилаяпти

бўлиб, қиш чилласининг авли кунларида ҳам иссиқликнинг нархи марказий манбадан узатилаётганига нисбатан деярли икки баравар арзон. Чўнки марказий манбадан бу уйгача бўлган масофага узатилаётган иссиқлик ва иссиқ сувнинг салкам ярми илгари исроф бўлар, бу эса ўз-ўзидан истеъмолчи ҳисобига харажат қилинарди. Шундай қилиб, корхонанинг ичиди марказий манбага нисбатан қўлбола усулда рақобат қозони пайдо бўлди. Энди бу таърибда шаҳар халқ таълими тасарруфидида 22-болалар боғчасида ҳам жорий этилмоқда. Шу мақсадда бу ерда муқобил кичик қозонни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарни иссиқлик ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш харақатида «Фарғонашаҳаргаз» шўба корхонаси ҳам қўшилди. Сабаби — иссиқлик ҳақида гап кетса, бу муаммо кўтарилса, «Энергомарказ», «Иссиқлик манба» ва «Шарқ тонги» корхоналарида биринчи навбатда табиий газ етказиб беришда узилдилар бўлаётганлиги рўқча қилинади. Бошқача айтганда, ана шу иссиқлик етказиб бериувчилар ўзларининг укувсизлиги, ҳамон алмисқондан қолган усулларга ёпишиб олганиниги шу баҳона билан хаспўшлашга уринишарди. Бундай ноўрин эътирозларга барҳам бериш мақсадида газ таъминоти корхонаси Навойи кўчасидаги 62-уйда ўз ҳисобидан Чехияда ишлаб чиқарилган «Термона» сув иситиш қозонини ўрнатиб, мавжуд хонадонларни марказий иссиқлик манбаи тасарруфидан чиқарди.

да мижозлар маблагларини қабул қилиш шохобчаларини ҳам ташкил этдик. Авваллари уларнинг ҳар бири шаҳар чеккасида марказга келиш учун биргина автомобиль харажатларига 400-500 сўм сарфлашарди. Бугун эса чекка маззеларда истиқомат қилувчи 20-30 минг аҳоли шу харажатга кетадиган 6-7 миллион сўмни ҳам тежаб қолмоқда. Фарғона шаҳрида бошланган бу хайрли ташаббусни энди вилотнинг Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари ва туман марказларида ҳам жорий этишни мўлжалляпмиз. Юртбошимиз Вазирлар Мақамасининг 2005 йил ақунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш муҳим устувор йўналишлардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борадаги вазифаларни лўнда қилиб белгилаб бердилар. Ана шу вазифалардан бири соҳада рақобатни вужудга келтиришди. Рақобат эса муваффақиятларнинг асосий омилли эканлигини амалда тушуниб еталаймиз. Шу боис бундан бунён ҳам бошланган ишларимизни изчил, бир маромда давом эттириверимиз.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

МАДАНИЯТ

янгиликлари

Совриндор — «Зебомхон»

Жиззахда фольклор жамоаларининг вилот бўйича кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Хар галгидан фаркли ўларок, бу йил танловнинг туманлардаги босқичи ҳар бир иштирокчининг муҳлислар даврасида уюштирилди. Вилот маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Б. Ўтаевнинг таъкидлашича, бу билан ўз маҳоратларини эркин, тўлақонли намойиш этиш, жамоаларга кенг қамровли дастурлар тайёрлаш учун имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

Бир ҳафта давом этган кўрик-танлов Жиззах туманининг «Зебомхон» жамоаси ғалабаси билан аяқланди. Халқ ўйинлари, миллий удумлар, қўшиқ ва рақслари уйғунлаштириб тайёрлаган бу жамоа энди республика кўрик-танловида қатнашади.

Бобонинг уй-музейи



Пахтачи тумани маркази — Зиёвуддин шаҳарчасида тўқсон ёшни қаршилаган Бекназар бобо Худойназаров турмуш ўртоғи Робия момо билан қариллик гашини сурмоқда.

Салкам олти йилдан буён бобо ўзининг семимли машғулотли — уй-музейини жиҳозлаш, уни турли экспонатларга бойитиш билан шуғулланиб келмоқда. Қизиги шундаки, бу экспонатларнинг кўпи у кишининг ўзи томонидан асалган.

Музейдан ноёб миллий ҳунармандчилик асарлари, мусика-чолғу асбоблари, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг турли даврларда туширилган суратлари жой олган. Шу боис ҳам бу ер ҳаммиша мактаб ўқувчилари билан гапмуш бўлади.

СУРАТДА: Бекназар бобо Худойназаров турмуш ўртоғи билан китобларни кўздан кечиришмоқда. **Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА)** олган сурат.

Хаёт давом этади

Бердақ номидаги мусика театрида драматург К. Раҳмоновнинг «Улим жазоми» мусиқий асари сахналаштирилди.

Бугунги кун элларининг хаёти акс эттирилган ушбу асарда дўстлик ва ёвузлик, вафо ва хиёнат рўбарў келади. Бош ролларни Марьям Исмоилова, Дорибай Хўжабергенов, Базарбай Узоқбергенов сингари санъаткорлар маҳорат билан ижро этишган.

Пьесада қаҳрамонларнинг катта курашлардан, зиддиятлардан иборат хаёти фожияли яқун топади. Аммо алоҳида ёшлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўп қаватли мушоадалар фикрлар баён этилган.

Зиёрат



Кўҳна ва ҳаммиша навқирон Самарқанд зиёратчилару сайёҳлар билан доимо гапмуш. Кўни кеча республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилотлари маҳаллаларининг энг фаол ишлашчилари, ибратли оила бекаларидан иборат 250 кишилик махсус гуруҳ ҳам ана шу табарруқ шаҳарда сафарда бўлди.

Регистон ансамбли, Имом ал-Бухорий мажмуаси, Биҳоним мадрасаси зиёратчиларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Самарқанд шаҳридаги машҳур «Даҳабдий» маҳалласида бўлган учрашув эса йилгиланларга гоят манзур бўлди. Саёҳат давомида зиёратчиларга вилот ҳокими ўринбосари, вилот хотин-қизлар кўмитаси раиси Г. Худойбердиева ҳамроҳлик қилди.

Хабарларни Мавжуда ХОЛМАТОВА ва Мухтасар КАРИМОВА тайёрлашди.

Қилмиш-қидирмиш

273 КИЛОГРАММ «ЗАҲРИ ҚОТИЛ» ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматида маълум қилишларича, Сурхондарё вилотининг Саринсое туманида ўтказилган тезкор тадбир натижасида Бобур номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Муҳиддин исми шахсининг уйдан кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддаси топишган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, далилий ашё сифатида олинган бу «оқ ажал» салкам 273 килограмм олий моддасидан иборат. Дастлабки суриштирув чоғида аниқланишича, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида бўлган бу шахс ушбу гиёҳвандлик моддасини шериклари Боймурод ва Тўшметир билан бирга Тожикистондан хуфийна йўллар орқали олиб келган ва ҳовлисидаги чуқурга қўйиб қўйган экан. Мазкур ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов бошланди. **(ЎЗА).**

БОҒ ҚАРАГАНГА БОЛ БЕРАДИ



Бозор — деҳқон меҳнатини баҳолайдиган, ҳунарманднинг зарғарона маҳоратини намойён этадиган, соҳибқору боғбоннинг нечоғлик салоҳиятга эга эканлигини кўрсатувчи макон. Бу ердаги тўқинчилик эса она-замин саховати, юрт маъмуриги, нарх-навоини акс эттирадиган кўзгудир. Энди ўзининг айтиш: ўша кўзгуда бугун нималарни кўряпмиз? Картошка, сабзий-пийёз ҳар доимгидек сероб, Нархи ҳам рисоладагидек. Демак, деҳқон ердан оқилона фойдаланмоқда. Биз худди шу фикрда сархил мевалар кўзини қамаштиргудай бўлиб товланаётган бозор расталарини орайлашми. Чинно қосадай келадиган ноқлар, ҳарир тўр ичига солинган қизимтир олмалар, апельсини мандаринлар хариддорнинг кўзини қувонтиради. — Бу олма билан нок Эронники, — лабга учук тоширгудай нархни айтиди сотувчи ва у дўкон пештахталарига расамда билан териб қўйилган қоғоз, шиша идишларга қадоқланган шарбатларга ишора қилади. — Булар ҳам ўша томонлардан келтирилган. — Шунча боғ-роғларимиз бўлса-ю, наҳотки, мевачева шарбатларию пистаю бодомларга валюта сарфласақ?

— Э, биродар, тишласангиз қарсизлаб, шарбати юзингизга сачрагучи қирмизи олмаларимиз бугун майдалашиб кетди. Уриқларимизни айтмайсизми? Майнинг ўрталавда озингизга тегарди. Ажаб-тўр баҳорий хиди бўларди. Еки бўлмаса, халқона айтганда, «Отеги» деб номланувчи шафтолимиздан иккитасига тўярдингиз. Қани, улар? Боғ қараганга бол беради-да. Сотувчи ҳақ. Тармоқдаги аҳволни ўнглаш, ушбу туддан аяшланиш масъулияти зиммасига юклатилган раҳбарлару мутахассисларнинг лоқайдлиги, бозор талабларини пухта ўрганмаганиликлари, яна ҳам ачинарлики, маҳаллий ҳокимликларнинг богдорчилик ва узумчиликка панжа орасидан қараганликлари оқибатида боғ ва тоқорлар каровсиз қолди. Бугун богдорчиликка иختисослашган хўжалиқлардан қайси бирига борманг, ноҳус манзаранинг устидан ҳикасиз. ИСОБИ? Жалолқудуқ тумани хўжалиқлари тасарруфидида 1884,6 гектар боғ, 479 гектар узумзор мавжуд. Аммо парваршиш унутилгани боис 253 гектарлик богдаги ҳар икки даракдан бири қуриб қолган. 108 гектар боғ эса аянкли аҳволда. Узумзорлардаги аҳвол ундан-да ёмон. Хусусан, «Пахтакор» ширкат

хўжалигининг 14, «Қатортол» ширкат хўжалигининг 55,9, «Ойим» ширкат хўжалигининг 9,3, «Гулбахор» ширкат хўжалигининг 25 гектарлик боғи бугун меҳр ва эътиборга зор.

Таққос, Таҳлил, Тақлиф

— Бундан ташқари, — дейди Избоскан туманидаги У. Мансуров номи таърибга хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Хамроқулов. — Қўлимиз киксаллик қилаётгани учун мавжуд боғ қатор ораларини қўлчица юмшотмай қўляпмиз. Аслида мевали даракт гуллагунча қадар бир марта, мева гишлагунча эса тўрт марта қимёвий моддалар билан дориланиши лозим. Амалда нима бўляпти ўзи? Фақат олтингунурт сепляпти. Қолган дориларнинг нархи ўта қиммат. Устига устак, биттагина ОБХ, иккита қўл пулқачимиз бор. Улар билан 140 гектардан ортиқ богдаги дов-дарактларга вақтида ишлов беришга улгуриш мумкинми? Шунга қарамасдан, биз эртанги кунга ишонч билан боқиб, яъни

- **Май ойида пишадиган ўриқлар қани? Нашвати ноқлар-чи?**
- **Бир гектар олмазор бир туп гилосчалик даромад келтирмаса, у кимга керак?**
- **Қайта ишловчилар қачон лафзида турадилар?**

тармоқни янада ривожлантириш мақсадида, аввало, бозор талабларидан келиб чиқиб, сархил ва мазали, яъни харидорғир мевалар берадиган кўчатларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, 45 гектар майдонда меваларнинг данагидан ундирилган, қаламча қилинган ёки пайвандалган кўчатлар етиштирилмоқда. Бу — шу баҳорнинг ўзида 6 минг дона гилос, 8 мингта хурмо, минглаб туп беҳи кўчатлари тайёрланади, дегани. Бирок бу кўрсаткич нафақат вилотимиз, балки туманимиз учун ҳам камлик қилади, албатта. Демак, тизимдаги илмий-тадқиқот институти ва унинг филиаллари олимлари билан ижодий ҳамкорликни янада мустақамлаб, сархил мева берадиган, унча-мунча касалликни ўзига яқин йўлатмай-диган мевали даракт кўчатларини янада кўпроқ етиштиришимизни хаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Гап шундаки, авваллари олимлару мутахассислар хўжалигимизга тез-тез келиб турарди. Улар ҳосилдорлиги юқори, харидор эътиборини ўзига тортадиган, таркибиди шифобахш моддалар сероб бўлган мевали дарактларни маҳаллийлаштириш устида изланишлар олиб боришарди. Янги ташкил этилаётган боғларни бориб кўриб, ёш богбонларга маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар кўрсатарди. Таассуфки, беш йилдики, улар билан алоқаларимиз узилиб қолди. — Нима учун? — Маблагнинг камлиги учун-да. Бу билан ушбу масалада жуда ноқорчимиз, демоқчи эмасман. Айтай-

Одилжон ШОДМАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАРКАЗЛАР КЎМАККА ТАЙЁР


Жазони ўташ муассасаларидан қайтган шахсларнинг жамиятда яна ўз ўрнини топиб олиши, меҳнат фаолиятини давом эттиришига ёрдамлашиш савобли иш. Бу соҳада Фарғона вилот ҳокимлиги ҳузуридаги Иккитомойи кўнмак маркази ҳам аниқ режа асосида зарур тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозир вилотнинг барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида 19 та иккитомойи кўнмак маркази ишлаб турибди. Солиқ маҳбустларнинг ижтимоий ҳаётга қайта мосла-

шулини таъминлаш, ишга жойлаштириш, саломаатлигини тиклаш, уларнинг паспорт, ёшга доир пенсия, ногиронлик нафақаси олиши ёки ўқиниш давом эттириши учун қўмаклашиш марказлар фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Бугунги кунда Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида» бир қанча иш-

лар олиб борилаётди. Хусусан, амнистия бўйича озодликка чиққан қишлоқларга 11 миллион 400 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг аксарияти иш билан таъминланади; давонлиқ шахсларни шифохонага ётқузилади. Одатда ноҳўй ишлар, қўнунобузарлик ҳолатлари бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис жазо мудатини ўтаб қолганларни ишга жойлаштириш, иккитомойи фойдали меҳнатга жал этиш масаласига алоҳида эътибор беришмоқда. 2004 йилда шу масалада ижтимоий мар-

казларга муружаат қилганларнинг 62 фоизи ишга жойлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 72 фоизни ташкил этди. Жазо мудатини ўтаб қайтганлар орасида ногиронлик, тўғбандчиликка мушбола бўлганлар, воғга етмаганлар, саломатлиги ва меҳнат қобилиятини тиклашга муштоқлар ҳам бор. Уларнинг оилалари ва яшаш жойларида бўлиб, талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш, тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

М. СУЛЯЙМОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.



Пойтахтимизнинг Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида қад кўтариб турган қизғиш гиштин бино Халқаро маданият карвонсаройи деб номланади. Пештоқида Ўзбекистон ва Япония давлатлари байроғи хилгираб туради. Узининг гўзал таши ва ички архитектураси, нақшинкор эшиги-ю дераза ромлари ҳамда устунлари билан кишини хайратга соладиган мазкур бино қурилиши жаҳонга машҳур мусаввир олим, Токио миллий нафис санъат ва музика университети ректори Икуо Хираяма номи билан боғлиқ. Унинг Буюк Ипак йўлида жойлаш-

ган давлатлар қаторида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши беҳад кучли. Шунинг учун ҳам у юртимизга бир неча бор ташир буюрди, халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзи билан танишди. Таширлари давомида Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар аъёналарини давом эттириш нияти борлиги хусусида расман мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбари унинг бу эзу орузи-ни қўллаб-қувватлади ва яқиндан ёрдам берди. Натижада 2000 йилда япон олими лойиҳаси асосида карвонсарой бунёд этилди.

тошни кўрдик. Бу келган одамнинг нигоҳи илк бор ўзига хос ушбу ёдгорликка тушади. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Японияда "Хиросима Тинчлик тоши" ассоциацияси бор. Ассоциация бутун дунёда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон бўлишини, ер юзи халқлари иноқ ва тотув кун кечиришлари тарафдоридир. Шунинг учун иккинчи жаҳон урушида бомба ташланган Хиросима оролидаги тошлардан "Тинчлик тоши" деб номланган, юзасида аёл сиймоси акс этган мўъжаз ёдгорлик тайёрлаб, жаҳондаги тинчликсевар давлатлар ва тинчлик йўлида хизмат қилган давлат раҳбарлигига тақдим этади. Мазкур ёдгорлик тинчлик рамизи сифатида дунёнинг 97 та давлатини беэаб турарди. 98- "Тинчлик тоши" эса 2005 йилнинг март ойида бизнинг Юртбошимизга топширилган.

ИНСОНИЯТНИ ТИНЧЛИК ВА МЕҲР БИРЛАШТИРАДИ

Бино ичкарасига кирганингиз ҳамано гўё эр-тақлар оламига тушиб қолгандай бўласиз. Бир томонда ўзбек халқ амали санъати намуналари, тасвирий санъат асарлари, илк бор ўзбек-япон олимларидан тақилган топан экспедиция изланшлари маҳсули — Далварзинтепа, Мунчоктепа, Кампиртепадан топишган археологик топилмалар сир-синоатли воқеа-ҳодисалардан сўзлаётгандай бўлади. Иккинчи томонда эса, иккинчи ўзбек-япон экспедицияси аъзолари кўлга киритган Бақтрия ёдгорликлари, осори атиқалари. Бундан ташқари, Буюк Ипак йўлида жойлашган қатор давлатларнинг маданияти ва санъати хайратингизга хайрат қўшади. Хусусан Хитойнинг қора керамикаси ва Эроннинг керамикадан ишланган чиннидек нафис, бежирим замонавий уй-рўзгор буюмлари ўзининг бетакрор жиқли билан эътиборни тортади.

си томонидан тақдим этилган. Улар орасида олим қаламига мансублари ҳам талайгина. Шунингдек, Европа ва Осиёнинг турли давлатларида нашр қилинган китоблар ва альбомлар ҳам мавжуд. Рангли суратлар ва мини-атюралар билан безатилган, ўзбек, рус, инглиз тилларидаги илмий-тарихий ҳамда бадий асарлар саҳифаларидан ўтмиш мўраётгандай бўлади.

Кутубхонадан музейга ўтамиз. У ерда экспонатлар "Буюк Ипак йўли дурдоналари", "Буюк Ипак йўлида жойлашган кўна шаҳарлар" номи билан икки йўналишда намойиш этилади. XI асрга оид турли ҳажм ва шаклдаги умалар, лаганлар, обдастлар, тақсимча ва чойнаклар ота-боболаримиз уюмларимизнинг яратувчан, бунёдкор ва қўли гул эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Тўқ қизғиш керамикадан ясалган қувурни кўриб, ўша пайтдаёқ водопроводга асос


солинганлигининг гувоҳига айланамиз. Шу аснода ўзининг ажабтовор шақли билан ҳўрознинг тожисига ўхшаб кетадиган ҳалқасимон буюмга маҳлиё бўламиз. Унинг номи мандорла бўлиб, VI-VII асрларга оид Будда ҳайкали тожининг орқа томони экан. Унинг Тошкент вилояти, Оққўрган туманидаги Қоңқа қишлоғидан топилиши ўлкамизнинг бой ва қадим мероси ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтиради.

Реставрация ва қайта таъмирлаш хонасида археологик экспедиция раҳбари ва музей директори Константин Шейко билан таъмирловчи Дилфуза Каюмова, Баҳодир Мадамновларни учратдик. Хонанинг бир бурчагида уюм-уюм сопол ва чинни синиқлари. Таъмирловчиларнинг вақти хамиша тигиз, вазифалари анча оғир. Улар археологик қазималар чоғида топишган осори-атиқаларни

бир бутун ҳолга келтириб, таъмирлаб (ямаб), қадим тарихни бугунга таништиридилар. Бунинг учун аввал буюмнинг асл ҳолатидаги лойиҳаси чизилади. Йўл қўйилган арзимас хато йиллари, ҳаттоки, асларни ҳам чалқатириб юбориши мумкин.

— **Хар томонлама гўзал ва замонавий ушбу бинога карвонсарой номи берилишидан бироз тажжубландик. Хар қалай, "карвонсарой" сўзи бугунги кунда бироз эскириб қолгандай кўринади.** — дея савол назари билан республика Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёева юзланамиз.

— Маълумки, Буюк Ипак йўлида карвон катнаган. Улар учун маълум жойларда карвонсаройлар бўлган. Карвондагилар у ерда тунаб, хордик чика-



риб, от-туяларига ҳам дам бериб, сўнгра йўлда давом этганлар. Шундан келиб чиқиб ушбу масканни рамзий маънода карвонсарой деб номладик. Карвонсаройдан факат Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар маданияти ва санъати жой олади. Шунингдек, республика ва халқаро микёсдаги қўриқ-танловлар, семинар ва конференциялар ўтказиш ҳам илчил йўлга қўйилган.

— **Карвонсарой ҳўлисидан ойна ичига ўрнатилган, юзасига билинар-билинмас аёл тасвири туширилган**

Турсунали аканинг гапларини тинглаш жараёнида руҳимда мавжланган гурур ва ифтихор туйғуларига вужудим торлик қилиб қолгандай туюлди. Ўзбекистоннинг истиқбол ва истиқлоли, қадриятлари, ўзбекнинг орномуси, бутун дунёда ялпи хавфсизлик учун тинмай қайғураётган Президентимизнинг халқаро микёсдаги буюк нуфузи, умумбашариёт ишига қўшаётган улуғи-ю тарихий хизматлари XXI асрнинг улкан воқеасидир.

Зеро, инсониятни тинчлик ва меҳр бирлаштиради.

Гўлҷехра Йўлдошева, Темур ҚўРБОНОВ (суратлар), "Халқ сўзи" мухбирлари.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА



Бешафат ўлим Ўзбекистон халқ шоири, ўзбек шеърятининг таълиқли намояндаларидан бири, ажойиб инсон Ҳабиб Саъдулла (Ҳабибулла Саъдуллаев)ни орамиздан олиб кетди.

Ҳабиб Саъдулла 1942 йилда Наманган шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Наманган шаҳридаги 10-ўрта мактабда бошлаб, Тошкент экскаватор заводида давом эттирди. 1961-1962 йилларда "Қизил Ўзбекистон" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасида адабий ходим бўлиб ишлади, кейинчалик "Наманган ҳақиқати" газетасида бўлим мудирини, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1973-1990 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби сифатида фаолият кўрсатди. 1990-1998 йилларда Наманган вилояти маданият бошқармасининг бошлиғи, сўнги йилларда эса республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари, "Наманган" нашриёти бош муҳаррири бўлиб ишлади.

2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳабиб Саъдулла сермахсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг илк шеърлари 1958 йилда Наманган вилояти газетасида эълон қилинган эди. 1969 йилда "Океандан шабада" номи биринчи китоби нашр этилди. Шундан сўнг шоирнинг "Баҳор билан сўхбат",

"Мулоқот", "Яна остонангда", "Эҳтиром", "Нур қадри", "Боғлар юртин боласимиз", "Тазарру", "Кўчамдан жонон ўтганда" каби қатор шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Унинг "Туғилган йилим", "Онаизор", "Тирик қурбонлар", "Замин садоси", "Еттинчи китаб", "Эътиқод", "Чўст ривояти", "Жароҳат" каби достонлари ҳозирги ўзбек достончилиги ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Адибнинг "Юсуф ва Зулайхо", "Меҳр қувши" каби драмалари республика театраларида саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳабиб Саъдулла газанавис шоир сифатида ҳам маълум ва машҳур эди. Унинг қўллаб шеърларига басталанган қўшиқлар хонандалар томонидан севиб ижро этилиб, халқимизга манзур бўлган.

Адибнинг ижоди, айниқса, муस्ताқиллик йилларида янги поғонага кўтарилди. Бу даврда у нафақат шоир ва драматург, балки ҳозиржавоб публицист сифатида ҳам ўзининг бади ва мақолалари билан истиқлолимизни тараннум этди.

Ҳабиб Саъдулланнинг ўзбек адабиёти ва маданияти равнақи йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У 1992 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", 1999 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" фарҳий унвонлари, 2003 йилда "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланган эди.

Ҳабиб Саъдулла қаерда ва қайси лавозимда ишлагани, ўзининг ташкилотчилиги, тажрибаси, жонқурлиги билан жамоатчилик ҳўрмат-эътиборини қозонган эди.

Ажойиб инсон, танкили шоир ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз ва садқатли дўст Ҳабиб Саъдулланнинг ёрқин хотираси қалб-руҳимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият ва маърифат маркази.

Саёҳатчи қўғирчоқлар

Бухоро вилоят қўғирчоқ театри болажонларнинг сеvimли масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда саҳналаштирилаётган ҳар бир асар сермазмунлиги, болажонлар дидига мослиги билан ажралиб туради. Айниқса, ёвузлик устидан яхшилик галабаси, ҳалол меҳнат сархил меваси, тўғрилик, ростгўйлик ва мардликни тараннум этувчи асарлар нафақат болаларга, балки катталарга ҳам жуда ёқди. Яқинда жамоа А. Симуковнинг "Учар кема", М. Эргашеванинг "Урмон эртаги", Л. Сувонкулованинг "Мумрик" сингари бир қатор асарлари билан республикамиз бўйлаб ўз гастролларини бошлади. Ҳозирга қадар улар нафақат Бухоро вилояти туманлари, балки Навоий, Зарафшон шаҳарлари мактаб ва ўқув юртларида ҳам бўлишди.

Ўз мухбиримиз.

XALQARO IXTISOSLASHGAN KO'RGAZMA

SOF ENERGIYA. ENERGIYA TEJAMKORLIGI

9 - 11 MART 2006

Intercontinental mehmonxonasi Billur zali

Asosiy bo'limlar:

- Qayta tiklanuvchi energiya manbai
- Energoqurilmalar

- Energojamg'arma
- Elektr energiyasini qayta o'zgartirish va akkumulyatsiyalash

Tashkilotchi:
IEG Uzbekistan
tel.: (998-71) 138-5982/88,
faks: (998-71) 138-5987.
E-mail: info@iegeurope.com,
http://www.iegeurope.com

Tashkiliy ko'mak:
Teknologiyalar Transferi Agentligi
Tel.: (998-71) 136-10-71.
E-mail: att@intmail.ru

Товар сертифицирован
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
компанияи «Indesit» в Узбекистане

ПРЕДЛАГАЕТ СОТРУДНИЧЕСТВО
ОПТОВЫМ ПОКУПАТЕЛЯМ НА
ВЗАИМОВЫГОДНЫХ УСЛОВИЯХ.

Торговая марка «Indesit» представляет широкий ассортимент как отдельностей, так и встраиваемой техники.

Мы работаем – Вы отдыхаете!

Телефоны: 132-44-40, моб. 176-25-23, факс 132-44-46.
E-mail: teho@union-space.com
Контактное лицo – Джурев Баходир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В.И. Норвга падари бузруквори

Имом НОРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири
ҲАБИБ САЪДУЛЛАНИНГ
вафоти муносабати билан унинг онла аъзоларига чўқур ҳамдардик билдиради.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси қардош тиллар таҳририяти мусаҳҳиди Р. Жуманазаровата падари бузруквори

ТУРҒУН ОТАНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Аналиттик кимё ва нодир металллар кафедраси профессори, кимё фанлари доктори

Ражаббой РЎЗИЕВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия онла аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия ихзор қилади.

Тошкент архитектура қурилиш институти жамоаси Марҳумнинг хизмати бўлими бошлиғи Раҳмонбек Каримбековга онаси

ШАПОАТ АЛИНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихзор этади.

Тошкент Кимё-технология институти жамоаси Озиқ-овқат ва озуқа илмий-тадқиқот лабораторияси мудирини, техника фанлари доктори

Отабек Тўйчиёвич ИЛҲОСОВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг онла аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия ихзор қилади.

Чегарасиз мулоқот!

Россия, Беларусь, Украинада (MTC ва UMC тармоқларида) имтиёзли роуминг тарифлари.

Доимий тараққиётга қўшилиниг!

- «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Ирландияда (Vodafone) ишга тушди.
- «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро GPRS - роуминг хизмати Таиландда (Orange) ишга тушди.
- GPRS ва MMS хизматлари Қашқадарь вилоятида ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Муассислар:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғалди зёл материаллар қабул қилинади.

Т-Тижорат материалли

Телефонлар:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30
Топширилди — 21.40

Манзиллимиз:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Хамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холмазова.
Навбатчи — Ш. Ортоқов.
Мусаҳҳих — Ш. Машираббоев.

1 2 3 4 5